



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi**  
**O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal  
2023-yil sentyabr soni №09 (47)

Toshkent-2023

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр  
2023 йил сентябрь оyi сони №09 (47)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

## Тахрир кенгаши

А.Кўчимов  
А.Асқаров  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
Ш.Т.Қудратхўжа  
Н.А.Ҳусанов  
Н.К.Ачилов

Қ.Ш.Омонов  
А.С.Сагдуллаев  
С.С.Фуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Ҳ.Рустамбоев  
Н.М.Маҳмудов  
И.С.Саифназаров  
Н.Х.Обломуродов  
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ МЕРОСИДА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР

**Бехруз Собирович ТУРДИЕВ**

Доцент

Фалсафа фанлари номзоди

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада Шарқ ренессансининг ёрқин намояндалари Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб ва Низомулмулкларнинг инсон қадрини юксалтириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг зарур шартига айлантириш каби ҳуқуқий қарашлари таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** ренессанс, адолатли жамият, фозил жамият, демократия, халқаро ҳуқуқ, қонун устуворлиги, табиий ҳуқуқ.

## ПРАВОВЫЕ ВЗГЛЯДЫ О СПРАВЕДЛИВОМ ОБЩЕСТВЕ В НАСЛЕДИИ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА

**Бехруз Собирович ТУРДИЕВ**

Доцент

Кандидат философских наук

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

### Аннотация

В статье анализируются правовые взгляды ярких представителей Во-восточного ренессанса Фароби, Абу Райхона Беруни, Абу Али ибн Сина, Юсуф Хос Хаджиба и Низомулмулка о строительстве гуманного общества путем возвышения достоинства человека, превращения принципов справедливости и верховенства закона в стране в необходимое условие развития.

**Ключевые слова:** ренессанс, справедливое общество, просвещенное общество, демократия, международное право, верховенства закона, естественное право.

IX-XII асрларда Марказий Осиёдаги тараққиёт, айниқса, сиёсат, ҳуқуқ ва сиёсий институтлар ривожига улкан ҳисса қўшди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган. Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуғ ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган

Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз” [1].

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда IX-XII асрларда содир бўлган ўта мураккаб вазиятнинг ўзгариши, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишлар ушбу ҳудудларда сиёсий жараёнларнинг кейинги тараққиётига туртки берди. Бу даврда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Наршахий, Рудакий, Абулқосим Фирдавсий каби жаҳон илмини ривожлантирган олимлар етишиб чикдилар. Ўрта Осиё халқларининг ушбу машҳур алломалари жаҳон маданиятининг ҳуқуқий таълимотлари ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар. Хусусан, улар ўз қарашларида адолатли давлат бошқаруви, қонун устуворлиги ва адолатли жамият ҳақидаги лойиҳаларини ишлаб чикдилар. Бунда улар асосан, инсонпарварлик, бағрикенглик, тинчликпарварлик принципларига амал қилиб, адолатли жамият ва адолатли ҳукмдор концепциясини яратишга уриндилар.

Шарқ Уйғониш даври буюк мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобий (873-950) нинг фозил жамият ва уни бошқариш тўғрисидаги ҳуқуқий қарашлари бунинг ёрқин мисоли бўлди. Мутафаккирнинг “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Ғазилатли хулқлар”, “Буюк кишиларнинг нақллари”, “Ижтимоий-ахлоқий рисоалар”, “Қонунлар ҳақида китоб” ва бошқа асарларида жамият ва уни адолатли бошқариш, фозил ҳукмдор ва фозил шаҳар аҳолиси ғазилатлари масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. У, бу масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ёритишда гуманизм, қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, давлат ва фуқароларнинг ҳамкорлиги принципига амал қилди.

Форобий ҳуқуқий қарашларидаги энг диққатга сазовор жиҳат – бу унинг Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари орасидан биринчилардан бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги ҳуқуқий назарияни ишлаб чиққанлиги билан белгиланади. Унинг ушбу назариясига мурожаат этар эканмиз, у жамиятнинг келиб чиқишини табиий ҳуқуқ анъаналари билан боғлаганлигининг гувоҳи бўламиз: “Ғар бир инсон, – дейди Форобий, – ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади.... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ғар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ерни аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар” [2.4]. Демак, унинг юқоридаги фикридан шу нарса аён бўладики, у шаҳарларнинг келиб чиқишини инсонларнинг маълум бир жамоага уюшиши натижасида юзага келган деб ҳисоблайди. Демак, бу бирлашув унинг фикрича, инсонларнинг табиий эҳтиёжлари натижасида содир бўлиб, жамоани ташкил этилишига олиб келган.

Бундан ташқари мутафаккир ўзининг ҳуқуқий қарашларида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиб, инсон қадр-қимматини камситувчи ғар қандай ҳаракат ва урушларни қоралайди. Шунинг учун инсонни демократик, очик ва адолатли жамиятда яшашни лозимлигини таъкидлайди: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун одамлар инсоният туркумига кирганликлари учун ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”.

У ўзининг ҳуқуқий қарашларида шаҳар-давлатларни фозил ва жоҳилга ажратиб,

фозил шаҳар ўз халқини бахт-саодатга етаклаши, унинг бошлиғи эса адолатли, юксак ахлоқли ва маърифатли, ўзида бутун эзгу фазилатларни тўплаган бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Аллома ҳақиқий бахтга эришишни халқнинг ўзаро ижтимоий ҳамкорлик, адолат ва тинчлик орқали амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайди. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро бир-бирига кўмаклашган кишилар жамоасини Форобий фазилатли жамоа сифатида эътироф этади.

Форобий ўзининг ҳуқуқий қарашларида, давлатни идора этувчи шахс ўзининг фазилат ва хулқ-одоби билан ажралиб туриши лозимлигини уқтиради. Бундай давлат бошлиғи адолатли ва доно бўлиши, бошқаларга ғамхўрлик қилиши, қонунларга тўла риоя қилиши ва қонунларни ярата олиши, келажакни олдиндан кўра билиши кераклигини алоҳида уқтиради. Чунончи, Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари” асарида комил инсон тўғрисида фикр юритиб, энг аввало, шаҳар (давлат) бошлиғи ўзида бутун инсоний фазилатларни тўплаган бўлиши керак, деб ҳисоблаб, фозил шаҳар бошлиғини 12 хислат соҳиби бўлиши лозимлигини таъкидлайди: 1) соғлом; 2) нозик фаросатли; 3) хотираси кучли; 4) зехни ўткир; 5) ширинсухан; 6) билимли ва маърифатли; 7) таом ейишда, ичимлик ичишда меъёрга амал қилиши; 8) ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севиши; 9) олийҳиммат, номусли, ориятли бўлиши, 10) бойлик, динор ва дирҳамларга қизиқмаслиги; 11) адолатпарвар, яхшилик учун курашувчи, жабр, зулмни ёмон кўрувчи; 12) қатъиятли, жасур, журъатли бўлиши лозим [2.43].

Форобий илгари сурган ҳуқуқий концепциясида адолат масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Адолатлилик, унинг наздида инсонлар ўртасидаги тенгликни англаувчи мезон сифатида таърифланиб, у ўзида нафақат моддий тенгликни, балки маънавий тенгликни ҳам ифода этишини қайд этган. Шундан келиб чиқиб, у инсонлар ўз фаолиятлари жараёнида бошқалар билан мулоқотга киришишлари жараёнида адолат тамойилларига риоя қилишлари зарур эканлигини асослаб беради.

Умуман олганда, Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари Шарқ ва Ғарб таълимотлари ривожига улкан ҳисса қўшиб, бугунги кунда инсониятнинг бахт-саодатга эришишуви, жаҳондаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва адолатли демократик давлат барпо этишда фундаментал асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний (973-1048)нинг ҳам адолатли бошқарув, халқаро ҳуқуқ ва тинчлик масалаларига оид қарашлари диққатга сазовор. Айниқса, унинг “Ҳиндистон” ва “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларида жамиятда ижтимоий адолат ва уни таъминлаш зарурати, қонун устуворлиги, мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда тинчликка амал қилиш ғоялари илгари сурилган. У давлат бошқаруви масаласига тўхталиб, мамлакатни шоҳларнинг мутлақ ҳокимлиги билан эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқаруви кераклигини уқтириб ўтади. Шунинг учун у идеал давлатнинг тараққиёти ва ривожини учун жамиятдаги ижтимоий ҳамкорлик, халқнинг фаровонлиги ва хавфсизлиги, ҳамдўстлик алоқалари сингари қоидаларга риоя қилиниши лозимлигини кўрсатиб ўтади. Чунончи, у давлатларда демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига амал қилиниши, ўз навбатида, мамлакатда халқнинг муносиб ҳаёт кечириши, тинчлик ва тотувликни таъминланишининг гарови эканлигини таъкидлаб ўтади.

Беруний жамиятнинг юзага келишини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиб, уни “шартнома” назарияси билан боғлаб ўтган. Унинг фикрича, инсон ўз эҳтиёжларини англаб, ўзига ўхшаш инсонлар билан бирга яшаш зарурлигини тушуна бошлайди.

Шунинг учун ўзаро бирдамлик ва келишув асосида “шартнома” тузишга киришади. Шартнома асосида инсон ўзининг турли-туман эҳтиёжларини қондирадиган қишлоқ ва шаҳар каби ижтимоий ҳаёт кечирувчи марказларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Унинг наздида, Худо томонидан инсонга берилган интеллект инсонларнинг ўзаро бирлашувига олиб келган.

Беруний давлат бошқарувида халқ манфаатлари устуворлигини эътироф этиб, жамият подшоҳга эмас, балки подшоҳ жамиятга хизмат қилиши кераклигини уқтиради: “Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигани йўқотишидир. Бу уларнинг оиласини, ҳаёти ва мол-мулкани ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат” [3.31–32].

Хуллас, Берунийнинг ҳуқуқий қарашлари марказида давлат ва қонунларнинг инсон бахт-саодатига хизмат қилиши, давлатни эса маърифатли подшоҳ бошқариши лозимлиги тўғрисидаги ғоя ётади. У жамиятда фуқароларнинг фаровонлигини таъминловчи энг муҳим омилни ижтимоий адолат тамойилларига амал қилинишида кўради.

Абу Али ибн Сино (970-1037) ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида антик ва ислом илмий тафаккури анъанларининг турли йўналишларини бирлаштириб, ўзининг оила, жамият ва давлат бошқарув масалаларининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқди. Айниқса, Ибн Сино инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг давлат томонидан ижтимоий ҳимояланиши, ижтимоий адолат ва адолатли давлат бошқаруви ҳақидаги қарашларини “Аш-Шиффо фи ал-илоҳийёт” асарида асослаб берди. Жумладан, ушбу асарда мутафаккир:

биринчидан, давлат ва ҳуқуқ масаласини таҳлил этиб, ҳуқуқий жамиятнинг вужудга келишида дин ва пайғамбарнинг ўрнига тўхталиб ўтган;

иккинчидан, пайғамбар, унинг фикрича, илоҳий ва анъанавий қонунларни, шунингдек, уни миллат ва шаҳарга етказувчи қонун ижодкори сифатида гавдалантирган;

учинчидан, шаҳарда истиқомат қилувчи жамоани учта иерархик тоифага: бошқарувчилар, хунармандлар ва ҳарбийларга бўлган.

Ибн Синонинг ҳуқуқий қарашларини таҳлил этар эканмиз, унда мутафаккир давлатнинг мавжудлигини жамият бўлиниши билан боғлаб, қонун ижодкорининг қонун ишлаб чиқариш ва мамлакат бошқарувидаги асосий мақсадини юқорида таъкидланганидек, жамиятни уч тоифага (бошқарувчилар, хунармандлар ва ҳарбийлар) бўлиниши лозимлиги билан боғлайди. У қонун чиқарувчининг ҳар бир гуруҳ тепасига бир раҳбар тайинланиши лозимлиги, ундан қуйидагилар учун эса бошқа раҳбарлар қўйилиши ва у одамларнинг умумий бошқарувига келгунига қадар давом этиши лозимлигини таъкидлаган.

Ибн Сино давлат ўз фуқароларини иш билан таъминлаш мақсадида қуйидаги сиёсатни амалга ошириши лозимлигини кўрсатиб ўтган:

1) фуқароларнинг меҳнатга лаёқатли ва соғлом бўлган даврида уларга фойдали ва ҳақ тўланадиган меҳнат билан шуғулланишининг кафолатлаши;

2) самарали ишлаш учун малака ошириш тизимининг йўлга қўйилиши;

3) касаллик пайтида бепул ва самарали тиббий хизматлардан фойдаланишнинг кафолатланиши;

4) касаллик, бевалик, ишсизлик, шунингдек, кекса ва вояга етмаган шахслар, ўз иродасига боғлиқ бўлмаган юридик фактлар туфайли ногирон-лиги бўлган фуқароларнинг асосий эҳтиёжларини таъминлаш.

Адолатли давлат бошқаруви билан алоқадор бўлган масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам алоҳида ўрин тутган. Мутафаккирнинг “Қутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва ҳуқуқий-ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган ҳуқуқий-сиёсий таълимотлари диққатга сазовор. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Асарнинг ғоявий мазмунини ҳам бевосита давлат бошқаруви ва унда маънавий-ахлоқий муҳит масалалари ташкил этади.

Асардаги биринчи қаҳрамон Адолат, у бош ҳукмдор (унинг номи Кунтуғди) ва барчага қуёш сингари нур таратувчи қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Иккинчи образ, Давлат қут-барака рамзи ҳисобланиб, у бош вазир (унинг исми Ойтўлди) сифатида гавдалантирилади. Қут-барака ёки Давлат ўзаро алоқадор тушунча бўлиб, бойлик, барака, омад, бахт, қудрат маъноларини мужассамлаштириб, ҳукмдорнинг таянчи, унинг мулкига фаровонлик бахш этувчи бош маслаҳатчи сифатида гавдалантирилади. Асардаги учинчи қаҳрамон Ойтўлдининг ўғли Ўғдулмиш бўлиб, у отаси вафотидан кейин ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчисига айланади. Достонда у ақл ва билим рамзи сифатида гавдалантирилади. Достондаги Ойтўлди образи орқали мутафаккир ҳаётда омад, бахт, бойликнинг ўтқинчи эканлигини исботлашга ҳаракат қилса, ақл ва билим уларнинг ўрнини боса олиши мумкинлигини асослаб беради. Шунингдек, асарнинг тўртинчи қаҳрамони – Қаноат бўлиб, унинг исми Ўзғурмиш, у Ойтўлдининг, яъни бахт ва давлатнинг, Ўғдулмишнинг, яъни, ақл ва билимнинг қариндоши сифатида баён этилади. Юсуф Хос Ҳожиб ҳуқуқий қарашларининг асосида ҳукмдорларнинг давлат бошқарувидаги ахлоқий кадриятларига эътибор қаратади.

Шунингдек, аллома давлат раҳбари муҳим ахлоқий фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши лозимлигини қайд этади:

биринчидан, ҳукмдор барча фуқароларни тенг кўриши, яъни, улар орасида ижтимоий адолатга, қонунга риоя қилиши;

иккинчидан, бирор масала устида ҳукм чиқараётганда сезгир, хушёр ва пичокдек ўтқир бўлиши;

учинчидан, ҳеч кимдан ҳайиқмай ҳаммага бирдай адолат қилиши;

тўртинчидан, шоҳ маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлиши, ҳар хил фисқу-фасод, уйдирмаларга учмаслиги;

бешинчидан, ўз атрофида ақлли, доно, уддабурон, эпчил кишилардан кенгаш сақлаши даркор. Буларни у хизматига яраша рағбатлантириб туриши керак;

олтинчидан, оддий халқ билан меҳрибонлик ва хушмуомалалик билан сўзлашиши лозим.

Юсуф Хос Ҳожиб давлат бошқарувида ҳукмдор фазилатларига алоҳида тўхталиш билан бирга, фуқароларнинг ҳам масъулиятини алоҳида кўрсатиб ўтади. Унга кўра, фуқаролар:

биринчидан, ҳукмдор чиқарган фармонларни ҳурмат қилиши ва уларни сўзсиз бажариши;

иккинчидан, жорий этилган солиқларни кечиктирмасдан ўз вақтида тўлашлари;

учинчидан, мамлакат душманига душман бўлиши, химояга тайёр туриши зарур.

Юсуф Хос Ҳожибнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари асар қаҳрамонларининг ўзаро суҳбатлари орқали ифода этилиб, ушбу суҳбатларда, давлатнинг асосий устунлари: дин, иқтисод ва қўшин эканлигини алоҳида қайд этилади. Хуллас, Юсуф Хос Ҳожибнинг илгари сурган ҳуқуқий қарашлари ҳозирги демократик жамиятни юксалтириш учун

тарихий ибрат намунаси бўла олади.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал назарий асосларини яратиш борасида ўзидан улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири ва давлат арбоби Низомулмулк (1017-1019)нинг қарашлари ҳам диққатга сазовор. Хусусан, унинг “Сиёсатнома” асарида амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмаслик, давлатни бошқаришни кенгаш асосида олиб бориш, амалдорлар фаолиятини мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва унинг сифатлари тўғрисидаги қарашлари шулар жумласидан. Айниқса, Низомулмулкнинг “Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак” [4] деган фикрлари аجدодларимизнинг давлат қурилишида адолатли тизим бўлиши кераклигига катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, IX-XII асрлар Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият, сиёсат ва ҳуқуқ тизимининг назарий жиҳатдан юксак даражада ривожланган даври бўлди. Ушбу заминдан етишиб чиққан буюк алломалар ўзларининг ҳуқуқий таълимот ва концепциялари билан жаҳон ҳуқуқий билимлари ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Шу орқали улар табиий ҳуқуқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби ғояларни илгари суриб, эркин ва демократик жамият барпо этишни кенг тарғиб этганлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Islom hamkorlik tashkilotining fan va texnologiyalar bo'yicha birinchi sammi-tidagi nutqi // “Xalq so'zi” gazetasi, 2017 yil 11 sentyabr, №181 (6875)
2. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. Nodir va dono fikrlar. – Tosh-kent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2004. – 160 b.
3. Ал-Бируни. Собрания сведений для познания драгоценностей (минера-логия). – Ленинград, 1963. – 521 с.
4. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 306 б.



# МУНДАРИЖА

## *Инновацион зоялар ва ишланмалар*

**Н.К.ОЧИЛОВ.** Эпик куйчи образининг бадий-эстетик талқини..... 3

## *Иқтисод*

**Н.Ш.БАТИРОВА.** Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг назарияси ва амалиёти ..... 12

**G.Sh.NAMAZOV.** Prognozlashtirish — hudud ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini samarali tashkil etish vositasi sifatida..... 23

**Х.Ф.ОЧИЛОВА.** Система бизнес-образования в Узбекистане: проблемы и тенденции развития ..... 32

## *Юридик*

**М.Х.БАРАТОВ.** Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: фуқароларнинг бурчлари ҳақида ..... 37

**Б.С.ТУРДИЕВ.** Шарқ мутафаккирлари меросида адолатли жамият тўғрисидаги ҳуқуқий қарашлар ..... 44

**Х.В.БУРХАНХОДЖАЕВА.** Система социальной защиты населения – одно из приоритетных направлений Нового Узбекистана..... 50

**А.ИСАҚУЛОВ.** Халқаро ҳуқуқ нормаларининг Марказий Осиёдаги трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ низоларни ҳал этишдаги аҳамияти..... 56

**Г.М.ТАИРОВА.** Жиноят содир этилишининг сабабларига доир классик ва постклассик йўналишдаги назариялар ..... 62

**Х.А.МАХМУДОВ.** Ўзбекистон Республикасининг ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги..... 67

## *Филология*

**М.АБДУЛЛАЕВА.** Мирзо Улуғбек илмий-адабий меросининг тарихий манбалар ва Навоий ижодида тутган ўрни ..... 71

**Б.РАҲМОНОВ.** Терма жанрида ижодкорлик ва ижрочилик анъаналарининг сўниши ..... 77

**Г.А.МАРДОНОВА.** Ўзбек никоҳ тўйидан кейин айтилувчи фольклор жанрлари таҳлили..... 83

**С.Д.МАВЛЯНОВ.** Ўзбек тили дипломатик терминларининг луғатларда берилиши ..... 89

**О.Х.АБДУЛЛАЕВА.** Жаҳон корпус лингвистикасининг 2017-2021 йиллардаги таҳлилий натижаси ..... 95

**Ф.С.САФАРОВ.** Ўзбек адабий тилида учинчи шахс маъносини билдирувчи воситалар маънодошлиги..... 103

**Я.Х.МАДАЛИЕВ.** Қозоқ тили терминларини яратиш ва ривожлантиришда миллий-маданий шарт-шароитлар ..... 113

**Я.АРУСТАМЯН.** Роль концептуальной целостности художественного произведения при переводе..... 119

**Масъул муҳаррир:**

Г.А.Мардонова

**Таржимон:**

З.Т.Бобоева

**Корректорлар:**

Д.Абдуқодирова

У.Тойчибоева

С.Кисляк

**Техник мутахассис ва дизайнер:**

А.А.Назаркулов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал) 2023 йил сентябрь оyi сони №09 (47)

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42.

The logo features the acronym 'UZNA' in a bold, dark blue sans-serif font. A small red dot is positioned at the base of the letter 'A'. To the right of the acronym is a vertical line, followed by the text 'O'zbekiston Milliy axborot agentligi' in a dark blue sans-serif font. The entire logo is centered within a graphic of three concentric circles: a light gray outer ring, a white middle ring, and a light gray inner circle.

**UZNA** | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi